

Special Issue on "Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development"
Published in Aug-2021

The Contribution of Talented Youth of Uzbekistan to the Development of Music Culture

Murtazova S.B.

Аннотация: Ушбу мақолада мусиқа маданияти ривожи ва унда истеъодли Ўзбекистон ёшлиарининг ўрни ва роли, эришган ютуқлари ва қўлга киритган натижалари ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади. Шунингдек, мамлакатимизда соҳа ривожи учун яратилган шарт-шароитлар, халқаро ҳамкорлик, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёритилган.

Калитли сўзлар: мусиқа, маданият, маънавият, халқаро ҳамкорлик, кўрик-танлов, фестивал, истеъодод, ислоҳот, қарор, орекестр, репертуар, анъана, маънавий мерос.



Associate Professor of "History of Uzbekistan", Doctor of Philosophy in History (PhD) at Karshi Institute of Engineering Economics

Кириш. Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўз маданияти, маънавиятини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, бой анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро фестиваллар, илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича қатор ишларни олиб бормоқда. Бунда ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг ўрни катта бўлиб, бу ташкилот томонидан номоддий, маънавий, маданий мерос обьектлари ўрганилиб келинмоқда. Ташкилотнинг “Ипак йўли-мулоқот йўли”, “Мусиқа тинчлик учун”, “XX аср дурдоналари рўйхати” каби лойиҳаларини ва бошқа халқаро миқёсдаги кўрик-танловлар, фестивалларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Мамлакатимизда бугунги кунда ёшларни жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларни маънан етук, баркамол, интеллектуал салоҳиятли, комил шахс сифатида шакллантириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шархи. Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйилиши, шунингдек, маданий соҳани таркибий қисми ҳисобланган мусиқа маданияти ривожига оид қатор қарор ва фармонлар мавзуни ёритишида асос қилиб олинди.(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи Қарори, www.uza.uz, www.lex.uz сайтларига киритилган соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар).

Жумладан, XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятидаги трансформация жараёнлари. Тарих фанл.бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси (С.Б.Муртазова)даги мавзуга доир маълумотлардан фойдаланилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон мусиқа маданияти деб номланган ҳаммуаллифликдаги монографияси (Эргашева Ю., Муртазова С.) дан мусиқа Ўзбекистон мусиқа маданиятининг мустақиллик даври тарихига оид маълумотлардан фойдаланилди.

Тадқиқот методлари. Мақола мавзусига доир маълумотлар тарих фанининг холислик, кетма-кетлилик, изчилилк, диалектик тамойиллари асосида қиёсий, илмий, таҳлилий, оғзаки тарих усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот ва натижалар: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 19 марта ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўнникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Мазкур 5 та муҳим ташаббуснинг биринчиси мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа соҳалариларига доир ёшларнинг қизиқишиларини оширишга қаратилган. Жумладан, биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга, иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга, учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишини ташкил этишга, тўртинчи ташаббус эса ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга, бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш каби муҳим масалаларга бағищланганлиги ва бу борада ёшлар ўртасида тизимли амалий ишлар олиб борилаётганлиги, уларнинг иқтидорини юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада ёшларимизнинг маънавиятини юксалтиришда, эстетик дунёқарашини бойитишида мусиқа ва санъатнинг бошқа соҳаларини алоҳида ўрни бор. Дунёнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида мусиқа маданиятига техника-инновация воситаларининг кириб келиши, глобал медиамаданият ривожланиши контекстида мусиқа фаолияти (композитор-ижрочи-тингловчи) инфраструктураси, XXI аср мусиқасини тинглаш маданиятининг хусусиятлари, мусиқий фикрлаш, мусиқа тили, мусиқани англаш ва қабул қилиш психологияси, маънавий маданият контекстида мусиқа, тасвирий санъат каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда кейинги йилларда соҳа ривожи йўлида қатор ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур ислоҳотлар натижасида ёшларни иқтидорини юзага чиқариш, уларни фаолиятига муносиб баҳо бериш ва тақдирлаш борасида кўплаб республика ва халқаро миқёсдаги кўрик-танловларда иқтидор соҳиблари бўлган ёшларимизни йўналтириш ва соҳада “устоз-шогирд” анъаналари жорий этилган. Мусиқа маданияти ва санъатнинг бошқа соҳаларида анъанавийлик ва замонавийлик жиҳатларини уйғун ҳолда олиб борилиши, унинг янгича колорид, янгича ракурсда намоён этиш ва сақлаш ҳамда ривожи учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда “Ёшлар куни” муносабати билан Маданият вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июн куни “Ёшларда маданий ҳаёт” республика фестивали ташкил этилди. Фестивалда 1130 дан ортиқ ижод маҳсуллари ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилди. Онлайн ташкил этилган фестивалда ўзига хос миллий ва замонавий мусиқаларни ўзида мужассам этган ижод намуналари намойиш этилди. Ҳакамлар ҳайъатининг хуносасига кўра республикамизнинг турли ҳудудларидан иштирок этган ёш ижодкорлар мутлоқ ғолиб деб топилди.

Жумладан, “Энг яхши Piano & Dutor battle” ижрочилиги йўналиши бўйича Самарқанд вилоятидан Ширинбоева Умидахон, “Энг яхши бахшичилик санъатидаги Cover & DJ & Big Box” ижрочилиги бўйича Қашқадарё вилоятидан ёш бахши Хушвақтов Ахроржон, “Энг яхши “Ёшларда маданий ҳаёт – Cultural life among the youth” Fleshmob & Challenge” муаллифлиги бўйича Қашқадарё вилоятидан бўлган яна бир ёш истеъдод эгаси Пиримов Сардорбек, “Энг яхши Маданий ҳаёт, оқ ва қора рангда – Cultural life, in white and black” мавзусидаги фото суратлар муаллифлиги бўйича Тошкент шаҳридан Абдужабборов Беҳзоджон каби фестивал иштирокчилари ғолиб деб топилди.

Шунингдек, ҳакамлар ҳайъатининг қўшимча қарори билан фестивалда фаол иштирок этган ва ўзининг ижодий ишлари билан ҳакамлар ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлган Наманган вилоятидан Қосимов Улугбек, Тошкент шаҳридан Ҳасанов Маъруфжон, Қорақалпогистон республикасидан Мирманов Бердаҳ, Тошкент шаҳридан Эгамбердиев Мухаммад ва Самарқанд вилоятидан Собиров Бобиржон Ўзбекистон республикаси Маданият вазирлигининг маҳсус фахрий ёрлиғи билан тақдирланишиди. Бу каби танловлар ёшларни миллий ва замонавий мусиқанинг уйғунлиги, унинг жозибалилиги, ўзига хослигини англаш ва истеъдод ҳамда иқтидор намояндаларини кашф этиш учун хизмат қиласи.

Ёш ижодкор ва иқтидор соҳибларини нафақат мамлакатимизда балки, бебаҳо мусиқий меросимизнинг жаҳон миқёсида тарғибот ва ташвиқот килишда халқаро ҳамкорлик алоқаларининг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Жумладан, бу ҳақида сўз юритганда мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан халқаро маданий алоқалар йўлга қўйилиб, босқичма-босқич амалий ишлар бажариб келинмоқда. Кейинги йилларда эса бу каби ишларни ташкил этилиши ва амалга оширилиши жадаллик билан, юқори босқичга қўтарилиган ҳолда йўлга қўйилаётганлиги сир эмас. Масалан, 2017 йил 12 сентябр куни Россия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг 25 йиллигига бағишлиланган Ўзбекистоннинг маданият кунларида Кремл саройининг сахнасига «Ўзбекистон» ва «Навбаҳор» ансамбллари, «Мақом» халқ мусиқа ансамбли, «Ўзбегим» гурухи, Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри, Фаррух Зокиров бошчилигидаги «Ялла» вокал-чолғу ансамбллари иштирок этди. Шунингдек, ўзбекистонлик машҳур опера яккахонлари Моцарт, Верди, Дж.Пуччи операларидан ариялар ижро этишди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон кунлари доирасида Умумrossия амалий-декоратив ва халқ санъати музейида “Ўзбекистон маданий меъроси Россия Федерацияси тўпламларида” давра сухбати бўлиб ўтди, унда Эрмитаж, Третьяков Галереяси, Россия миллий кутубхонаси, Россия этнография музейи, Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти вакиллари иштирок этишди ва давра сухбати доирасида Россиянинг етакчи музей ва кутубхоналарига “Ўзбекистон маданий меъроси дунё тўпламларида” беш томли нашрининг тақдимоти ўтказилди. Бундан ташқари шу куни музейда ўзбек санъат асарлари кўргазмаси ҳам ўз фаолиятини бошлади. Маданият кунлари 14 сентябр куни ўзбекистонлик санъат усталарининг концерт дастури билан якунланди ва ўзбек ва жаҳон мусиқа санъатининг ноёб дурданалари юртимиз санъат усталари ва ёшларининг ижроси иштирокчиларга жуда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ёшларининг мусиқа санъатининг сир-асорини қунт билан ўрганиб, ўз иқтидорларини дунё миқёсида намойиш этиши аввало давлатимизнинг ёшлар учун уларнинг интллектуал салоҳиятларини юзага чиқариш учун яратилган шарт-шароитлар, амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасидир.

Республикамизда таълим тизимининг барча бўғинларида қатор ўзгаришлар, янгиланишлар олиб борилаётган бугунги кунда маҳсус мусиқа ва санъат мактаблари, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидорларни саралаш, ўз иқтидори ва қобилияти бўйича йўналтириш ишлари йўлга қўйилмоқда. Айниқса, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернет ва бошқа ихтисослаштирилган мусиқа мактаблари ўқувчиларининг жаҳон миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловлардаги иштироки ва эришаётган ютуқлари бардавом бўлиб, қатор ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бу эса соҳа ривожига, ёшларни мусиқий қобилиятларини юзага чиқариши учун замин яратмоқда.

Жумладан, 2021 йил 30 марта Италияда мамлакатимиз элчинонасининг кўмаги ва иштирокида Ўзбекистон ёш мусиқачи ва қўшиқчиларининг “Angeli” кўрик-танлови ўтказилди. Унда республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ва Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа мактаби ўқувчилари иштирок этди.

Мазкур танлов италиялик рассом, “Verbumlandiart” маданият уюшмаси аъзоси ва “Angeli” хайрия лойиҳаси асосчиси Аида Абдуллаева томонидан ташкил этилган бўлиб, асосий мақсад истеъододли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий қобилиятини намоён этиш, Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги дўстлик ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга хисса қўшишдан иборатdir. Лойиҳа доирасида 2020 йил декабр ойида ўзбекистонлик ёш рассом ва дизайнерларнинг фестиваль-танлови

ўтказилиб, янги номлар кашф этилган эди.

Мусиқа фестивали онлайн шаклда ўтказилиб, унда Ўзбекистоннинг Италиядаги элчиси Отабек Акбаров, Къети вилояти префекти (Италия хукумати вакили) Антонио Форджоне, “Aimart” халқаро мусиқа ва санъат академияси директори Эдда Сильвестри, “Verbumlandiart” маданият ўюшмаси раиси ва “VerbumPress” журнали муҳаррири Регина Реста, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон Давлат консерваторияси проректори Сайёра Faфурова, Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа мактаби директори Дилдора Жамолова, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори йўринбосари Сойибжон Нифматов, қатор таникли итальян мусиқачи, бастакор ва вокалчилари ҳамда санъат арбоблари қатнашди.

О.Акбаров мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, илғор халқаро тажриба асосида замонавий маданият ва санъат муассасаларини барпо этиш, истеъододли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли ишлар тўғрисида тўхталиб, ёшларнинг маданий савиёсини юксалтириш, уларни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъодод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратди.

“Angeli” лойиҳаси асосчиси Аида Абдуллаева мазкур халқаро онлайн мусиқа танлови Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлашга ўз хиссасини қўшиши, истеъододли ёшларнинг ижодий ўсиши ва баркамол ривожланиши учун замин яратишini таъкидлади.

Къети вилояти префекти Армандо Форджоне инсон маънавиятини юксалтириш, унинг қалби ва онгода эзгу гояларни қарор топтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, маданий-маърифий ришталарни мустаҳкамлашда санъатнинг аҳамияти, шу жумладан, мусиқа санъатининг роли ҳақида тўхталиб ўтди.

Истеъододли ёшларни аниқлаш мақсадида турли танлов ва фестиваллар ўтказиш, уларга ўз қобилияти ва салоҳиятини намоён этиши учун имконият яратиш, ижодий ўсиш учун кўрик-танловларда иштирок этиш ва рақобатлашиш жуда муҳимлиги таъкидланди. Тадбир давомида Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ва Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа мактаби ўқувчилари иштироқида концерт дастури намойиш этилди.

Ўзбекистонлик ёшлар томонидан жаҳонга машҳур композиторлар асарлари юксак маҳорат билан ижро этилгани Италия вакилларида катта таассурот қолдирди. Ҳайъат аъзоларининг қарори билан Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати талабаси Нозима Абдураззоқова ва Успенский номидаги ихтисослаштирилган мусиқа мактаби талабаси Бахтиёр Шерзодов кўрик-танлов ғолиблари, деб топилди. Улар маҳсус диплом ва Италияга бир ҳафталик саёҳатга йўлланма билан тақдирланишиди.

Хуллас, мамлакатимизда ёш истеъодоларни излаб топиш, рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорлари бўйича йўналтиришда борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мусиқа ва санъатнинг бошқа йўналишлари бўйича ёш истеъод соҳиблари нафақат Республика миқёсидаги балки, қатор хорижий давлатларда ўтказилаётган кўрик-танловлар, фестивалларда мунтазам равишда иштирок этиб ғолибликни ва совринли ўринларни кўлга киритмоқдалар. Истеъодоли, баркамол, иқтидорли, маънавий етук,

интеллектуал салоҳиятли ёшлар юрт равнақи ва келажаги учун таянчдир!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. Тошкент, 2021 йил 26 март. www.uza.uz.
2. Муртазова С.Б. XIX аср охири – XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистон мусиқа маданиятидаги трансформация жараёнлари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018 йил, – Б. 171.
3. Эргашева Ю., Муртазова С. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон мусиқа маданияти. Монография. – Тошкент, “Мусиқа” нашриёти, 2017 йил. – Б.120.
4. Ergasheva Y.A., Ergasheva G.A., Murtazova S.B. Historical stages of onnovative processes in higher education of Uzbekistan./ Scopus. Solid State Technology. Volume: 63 Issue: 6. Publication Year: 2020. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JST/article/view/5516>
5. <http://www.madaniyat.uz/post/view/8859>
6. <https://zamin.uz/madaniyat/59179-milliy-gvardiyaning-eshlar-orkestri-moskvadagi-halqaro-musiqa-festivalida-ishtirok-etdi-foto.html>
7. www.lex.uz.
8. <http://madaniyat.uz>.